

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙСУНОВ ЖОНБЕК ХИДИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК: 323.327:347(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Бойсунов Жонбек Хидирович

Ўзбекистонда ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг
ижтимоий-фалсафий муаммолари 5

Бойсунов Жонбек Хидирович

Социально-философские проблемы повышения духовной культуры
молодежи в Узбекистане..... 23

Boysunov Jonbek Khidirovich

Socio-philosophical problems of raising the spiritual culture of
youth in Uzbekistan 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙСУНОВ ЖОНБЕК ХИДИРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fal511 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Вохидова Мунира Тулкиновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 7 » январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (259 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил « 26 » декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил « 26 » декабрь даги 42 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Х.Ю.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда ёшлар маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиш, тўғри ва мақбул хулоса чиқара олиш салоҳиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу эса, реал ҳаётда ёшларнинг прагматиклиги ва мафкуравий иммунитетини ошириш борасида замонавий фалсафий дунёқарашни ривожлантиришни заруриятга айлантирмоқда. Жамиятда ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган аждодлар фалсафий меросини ўрганиш, миллий қадриятларга хурматни кучайтириш асосида замонавий тарбиявий механизмларни яратиш, ёшлар маънавий маданиятидаги когнитивлик, сиёсат, ахлоқ тадрижийлиги ва шахс, жамият, давлатнинг объектив имкониятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янада бойитиш, таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини кучайтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига оид фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшлар маънавий оламида юксак ахлоқий идеалларни ривожлантириш, воқеликка нисбатан диалектик ёндашув борасида янгича мафкуравий усуллардан фойдаланиш ҳамда маънавий маданият тизимида функционал ўзгаришлар долзарб жараёнга айланмоқда. Жамиятда аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини юксалтиришда, уларда ташаббускорлик, фидоийлик, ахлоқий фазилатларни шакллантиришда маънавий маданиятнинг мазмуни, тузилиши, шакллари ва функцияларини, диний, эстетик, бадий хусусиятлари ва эътиқод, одат, фазилат каби объектив омилларнинг диалектик алоқадорликларини тадқиқ этиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишга оид амалий чора-тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда. “Глобаллашиб бораётган ва маърифий соҳада турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги дунёда маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар динамикасининг тадрижий ривожланиш даражаси, унга хос умумий қонуниятларнинг амалга ошиши ва бу билан боғлиқ ўзига хос миллий хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратишимиз даркор”¹. Шу боис “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий маданиятини янгича барқарор муҳитда юксалтириш, ёшлар маънавий маданиятига қадриятли ёндашув моделларини жамият ҳаётига тадбиқ этишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б. 268.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йилнинг 28 ноябридаги ПҚ-4038-сонли “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йилнинг 6 ноябридаги ПҚ-4884-сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори, шунингдек соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшлар маънавий маданиятининг замонавийлашуви миллий ва умуминсоний қадриятларга параллел равишда ҳар бир давр оралиғида реал воқелик билан боғлиқ жамият маънавий ҳаётининг юксалишига хизмат қилган. Жаҳонда маънавий маданиятнинг ёшлар дунёқарашига таъсири, унинг мазмун-моҳияти ва таркибий элементлари Ж. Андерсон, С. Анисимов, Г. Белов, М. Вебер, И. Ильин, В. Конев томонидан тадқиқ этилган. Жамиятда маданиятнинг ёшлар муаммоси ва бағрикенгликка оид жиҳатлари А. Бейли, И. Гердер, Э. Орлова, М. Хомяке² илмий изланишларида алоҳида муаммо сифатида олиб қаралган.

МДҲ давлатларининг кўплаб олимлари маънавий маданиятнинг воқеликда ривожланиш сабабиятлари, турли халқлар тафаккуридаги

² Андерсон Ж. Пространство, время и категории: Лекции по метафизике 1949-1950. - Sydney University Press, 2007; Анисимов С. Духовные ценности: производство и потребление. - Москва: Мысль, 1988. - 253 с; Белов Г. История философия науки. - Москва: Издательский дом МГУ, 2012. - 432 с; Вебер М. Наука как призвание и профессия // М. Вебер. Избранные произведения. - М.: Прогресс, 1990. - 456 с; Ильин И. Путь духовного обновления. Собр. Соч. В 10 т. - Москва: 1993. - 408 с.; Конев В. Культура и архитектура педагогического пространства // Вопросы философии. - 1996. - № 10. - С 52.; Бейли А. Трактат о белой магии и путь ученика. - Москва: Мысль, 2013. - 512 с; Гердер И. «Идеи к философии истории человечества». Часть третья. / Архивная копия от 8 марта 2016 на Wayback Machine; Орлова Э. Введение в социальную и культурную антропологию. - Москва: 1994. - 384 с.; Хомяке М. История современной философии Севера // История философии XX века. Современная зарубежная философия. - Москва: 2016.

комбинацион ўзгаришлар, айрим андозаларнинг янги тасаввур ва миллий руҳдаги истак-майлар билан боғлиқлигини кўрсатиб беришган. Жумладан, Ю. Боров, Л. Гумилёв, А. Гусейнов, В. Лекторский, И. Ильинский, М. Каган³ асарларида ушбу жиҳатларга чуқур эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда ёшлар маънавий маданиятини назарий-методологик жиҳатдан илмий ўрганган файласуфлар жамиятда мазкур жараённинг миллий-маънавий хусусиятлари, умумназарий асослари, реал воқелик билан уйғунлашган томонларини кенг тадқиқ этишган. С. Агзамходжаева, Ж. Туленов, И. Имомназаров, И. Жабборов, Й. Жумабоев, Э. Юсупов, С. Шермухаммедов, Х. Шайхова, Маҳмуд Саттор, А. Жалолов, С. Отамуратов, А. Шарипов, Ж. Яхшилик, Н. Мухаммадиев, А. Эркаев, О. Ғайбуллаевларнинг тадқиқотларида ёшларнинг маънавий камолоти масалалари ўрганилган⁴. Шунингдек, ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришининг ижтимоий-фалсафий, тарихий муаммолари билан боғлиқ масалалар Б. Алиев, Г. Наврўзова, Қ. Назаров, А. Шарипов, Ҳ. Саломова, З. Қодирова, А. Ҳусейнова, М. Вохидова, Л. Гадоева, З. Ахмедова илмий ишларида таҳлил этилган⁵.

Диссертацияда мазкур тадқиқотлар унумли фойдаланилган ҳолда, уларда асосан ёшлар маънавий маданиятининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилганлиги, маданий-фалсафий қирралари

³ Боров Ю. Эстетика: Учебник. – Москва: Высшая школа, 2002. – 511 с; Гумелёв Л. Древние тюрки. – Москва: Айрис-пресс, 2016. – 560 с; Гусейнов А. Философия – мысль и поступок: Статьи, доклады, лекции, интервью. - СПб.: СПб ГУП, 2012. - 848 с; Лекторский В. Философия психологии. – Москва; Политическая энциклопедия, 2016. – 344 с; Ильинский И. Образование. Молодежь. Человек: (статьи, интервью, выступления). Кн. 2. - Москва: Изд-во Моск. гуманит. ун-та. - 530 с; Каган М.С.з Философия культуры: становление и развитие /М. Каган, К. Сергеев., Р. Светлов и др. – СПб.: Лань, 1998. – 443 с.

⁴ Агзамходжаева С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. - 208 б.; Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 236 б.; Имомназаров И. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. -Тошкент: Шарқ, 1998. – 240 б.; Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. –Тошкент: O'zbekiston, 2012. - 316 б.; Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Тошкент: Ўқитувчи-Зиё нашр, 1997. –182 б.; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент: Университет, 1998. - 184 б.; Шермухамедов С., А. Очилдиев. Маданият ва цивилизация. –Фарғона, 2000. -42 б.; Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. -Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 116 б.; Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. –Тошкент: Чўлпон, 2007. - 192 б.; Жалолов А.Мустақиллик масъулияти. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 88 б.; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 204 б.; Қодирова З., Шарипов А., Алимасов В., Каримова Э., Мадаева Ш. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. -220 б.; Яхшилик Ж., Мухаммадиев Н. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. –Тошкент: Чўлпон, 2018. - 722 б.; Erkaev A.. “Ma’naviyatshunoslik” -T.: “Ma’naviyat”, 2018. 184 b.; Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. -Тошкент: Чашма принт, 2008. 160 б.

⁵ Алиев Б. Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ҳамиша муҳим.//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences,2022, vol. 2, №23. - 628-632-б.; Наврўзова Г., Раҳматова Х.. Нақшбандия тушунчалари генезиси.- Бухоро: Бухоро, 2010; Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Икки томлик.- Тошкент: Ўзб.файл. миллий жам. нашр, 2019; Шарипов А. Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар: ижтимоий-фалсафий таҳлил. Монография. – Бухоро, 2021; Саломова Ҳ. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва аҳамияти.- Бухоро: Дурдона, 2018; Қодирова З., Каримова З. Миллий қадриятларни таълим тизимида татбиқ этишнинг психологик жиҳатлари. - Тошкент: Тафаккур, 2010; Ҳусейнова А. Аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни // Взгляд в прошлое, 2021; Вохидова М. Толерантлик–ёшларни ижтимоий-ахлоқий юксалтириш омили. –Бухоро: Дурдона, 2020; Гадоева Л. Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзи ва унинг замонавий етномоделли: Тажрибалар, муаммолар,ечимлар. –Бухоро: Дурдона, 2022; Ахмедова З., Кенжаева Х., Чориева М., Сагикызы А. Бухоро миллий-маънавий мероси: Монография. – Бухоро: “Бухоро вилоят босмахонаси”, 2020.

алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаганлигини қайд этиш лозим. Мазкур диссертацияда ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда маънавий маданиятнинг ижтимоий-фалсафий қирраларини инновациялар негизида тадқиқ этиш мақсад этиб белгиланган ва фалсафий таҳлил этилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-173 рақамли “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари” (2020-2025 йй) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар маънавий маданияти ривождаги динамик жараёнларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир этиш омилларининг конструктив жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

маънавий маданиятнинг умумфалсафий моҳияти, гносеологик функцияларини аниқлаш;

маънавий маданият тизимида ёшларнинг диний-ахлоқий тафаккурга доир зиддиятларни бартараф этиш, бадиий-эстетик идеалнинг синкретиклилик хусусиятини илмий асослаш;

ёшлар маънавий маданиятидаги детерминизм ғояларининг индетерминизм билан сабабий боғланишлари диалектикаси моҳиятининг тадрижийлигини очиб бериш;

глобаллашув даврида ёшлар маънавий маданиятининг ижтимоий-фалсафий муаммоларини тадқиқ этиш;

“Беш муҳим ташаббус” асосида ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришга оид ижтимоий ва фалсафий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, объективлик, тизимлилик, социологик сўров каби илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар маънавий маданиятидаги таркибий қисмлар бўлган когнитивлик, сиёсат, ахлоқнинг тадрижийлиги ва шахс, жамият, давлатнинг объектив имкониятлари фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

ёшлар маънавий маданиятининг диний, эстетик, бадиий хусусиятлари ва эътиқод, одат, фазилат каби объектив омилларнинг диалектик боғлиқлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

ёшлар маънавий маданиятига қадриятли ёндашув моделларининг консервативлик, технократик, гуманистик моҳияти ва паст, ўрта, юқори ривожланиш даражалари ўзаро боғлиқлиги исботланган;

глобаллашув шароитида маънавий маданиятнинг беш муҳим ташаббус негизида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган фалсафий ўзгаришлари фалсафий нуқтаи назардан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятда ёшлар маънавий маданиятининг ривожланиш тенденциялари, инновацион ғоялар билан бойиши, мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган фаол позицияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшлар маънавий маданиятининг тадрижийлик хусусиятлари, даврлар оралиғидаги диний қиёфасининг замонга мослашувчанлиги, ахлоқий тафаккур ривожланишидаги креативлик, бадиий-эстетик идеалнинг нафосат оид тамойиллари очиб берилган;

“Беш муҳим ташаббус” доирасида маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари ҳамда ёш йигит-қизларнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшларнинг маънавий маданиятини тадқиқ этишга қаратилган фалсафий асарлар, маданият тизимидаги объектларнинг тарихий-маданий мазмун-моҳияти, соҳага доир бир қатор таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши негизида фалсафа, диншунослик, маданиятшунослик, маънавият асослари, ахлоқшунослик, тарих сингари фан соҳаларини илмий жиҳатдан бойитиши ҳамда мавзуга оид олиб борилган тадқиқотларни олиб боришда назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган тавсиялардан маданият ва маърифат тизимининг фаолиятида, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва турли ижтимоий институтларнинг маънавий ишларни амалга ошириш, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

ёшлар маънавий маданиятидаги таркибий қисмлар бўлган когнитивлик, сиёсат, ахлоқнинг тадрижийлиги ва шахс, жамият, давлатнинг объектив имкониятларига оид хулосаларидан Қарши давлат университетида

бажарилган А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2020-2021 йй) амалий грант лойиҳаси доирасида ўтказилган “Ёшларни глобаллашув жараёнида умуммиллий кадриятлар руҳида тарбиялаш”, “Кадриятлар ёшлар нигоҳида”, “Миллий умуминсоний кадриятлар, жамиятимиз тараққиёти кўзгуси” давра суҳбатлари, семинар-тренингларни ташкил қилишда ҳамда “Ёшларни умуммиллий кадриятларга хос тарбиясини шакллантириш технологияси” ўқув-услубий қўлланмасининг “Кадрият ва умуммиллий кадрият тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти”, “Маънавий-маърифий ишлар-ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш омили сифатида” бандларини тайёрлашда фойдаланилган (Қарши давлат университетининг 2022 йил 28 мартдаги 04/1446-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда ёш авлодни маънавий маданиятини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш асосида давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ёшлар маънавий маданиятининг диний, эстетик, бадиий хусусиятлари ва эътиқод, одат, фазилат каби объектив омилларнинг диалектик боғлиқлигига доир илмий янгилик ва таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди дастурининг IV. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатда таълим- тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишнинг устувор йўналишининг 4.1. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, турмуш сифатини ошириш банди “одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмуш маданиятини ошириш”, VI. Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишининг 6.2. банди “Ёшларни миллий тикланиш ва юксалиш ғояси, миллий маданият ва кадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш”ни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот дастурлари сценарийларини тайёрлаш ва 2020 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари бўйича иш режасининг 31-банди “Миллий урф-одат, анъаналар ва кадриятларни сақлашни кучайтириш ва ривожлантириш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш, 72-банди “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” дастурий ғоя асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш бўйича фаолият олиб бориш”да фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2022 йил 18 мартдаги 02/02-32-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик сингари ахлоқий фазилатларни шакллантиришга ҳамда маънавий маданиятини юксалтиришга, ёшлар маънавий маданиятидаги жамоавийликка асосланган эстетик, ахлоқий, бадиий, маънавий ғояларнинг ўтмиш кадриятларига асосланишига оид келгусидаги илмий-услубий фаолиятида, амалий тадбирларни амалга оширишда, услубий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ёшлар маънавий маданиятига кадриятли ёндашув моделларининг консервативлик, технократик, гуманистик моҳияти ва паст, ўрта, юқори ривожланиши даражаларига доир таклифлар ва тавсияларидан Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 22 январь куни эфирга узатилган “Кун мавзуси” кўрсатувининг сценарийсини тузишда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси 2022 йил 1 февралдаги маълумотномаси). Натижада, ёшлар маънавий маданиятида оралиқ масофада турувчи диний қарашлар, ахлоқий тафаккур элементлари ва бадий-эстетик идеалларнинг маънавият тизимида ривожланишига хизмат қилган;

глобаллашув шароитида маънавий маданиятнинг беш муҳим ташаббус негизида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган фалсафий ўзгаришлари очиб берилганлиги доир таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилга мўлжалланган иш режасининг 34-банди “Интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга самарали қарши курашишни таъминлашнинг мақсадида Марказ ходимлари ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари учун “Ўзбекистонда ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий масалалари мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий ўқувлар ташкил этиш” номли тадбирларнинг дастурлари ва сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 24 майдаги 02/02/890-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар онгида беш муҳим ташаббусга нисбатан интилувчанлик, глобаллашувнинг таъсирида унга мослашиш туйғулари ривожланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 138 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончилиги, илмий

ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда мамлакатимизда ёшлар маънавий маданиятининг ривожланиш жараёнлари, дунё ёшлари билан ҳамоҳанг тарзда ижтимоий ҳаётда борлиқ ҳақиқатини англаб етиши, фалсафий мушоҳадалар орқали улкан марралар сари интилиши масалалари тадқиқ этилган. Унда ёшларнинг маънавий маданиятини ўрганишдан олдин “маънавият” ва “маданият”нинг асосий тушунча сифатида илмий тадқиқига эътибор қаратилган.

Диссертацияда маънавият тушунчасига илмий нуқтаи назардан берилган таърифлар тадқиқ этилиб, уларнинг инсон камолоти ва руҳий дунёси билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “маънавият - инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади”⁶ деган қарашлар билдирилган. Бу таърифда маънавият инсон онгининг маҳсули сифатида ижтимоий онг шакллари асосида жамиятда намоён бўлиши ифодаланган. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов эса маънавиятга қуйидагича таъриф беради: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”⁷ деб таъкидлайди. Бунда маънавият инсонни диний ва дунёвий ҳаёт билан боғлиқ кўринишлари сифатида фалсафий тарзда илмий муомалага киритилган. Қ.Назаровнинг фикрича, “бугунги кунда маънавий-маърифий, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот соҳасидаги барча ишларимиз Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси асосига кўчирилиши зарур”⁸. Шу орқали ёшларнинг эътиқодини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтириш учун кенг замин яратилади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра маънавият билан параллел равишда маданият ҳам инсон ижтимоий онги ривожидида муҳим ўрин тутди. Ҳар бир жамиятнинг тараққиётини бегиловчи бир нечта омиллар мавжуд бўлиб, шулар жумласидан унда истиқомат қилувчи шахслар, жумладан, ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтириш ҳам муҳим омиллардандир. Маданият шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи тушунча бўлиб, жамиятнинг муайян ҳолати, унинг тараққиёти ва ривожининг ўзига хос хусусиятини ифодалайдиган категория сифатида ижтимоий фалсафада жуда кенг қўлланилади.

Маданиятга таъриф берган олимлардан бири Г.В. Плеханов бўлиб, маданият инсон ва жамият яратган моддий ва маънавий бойликлар

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2003. 334-бет.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.19.

⁸ Назаров Қ. Маънавият жамиятнинг мустаҳкам қўрғонига айланиши зарур // “XXI аср” газетаси. 2022 йил 10 ноябрь, 45 (991). -Б. 3.

(кадриятлар) йиғиндиси эканлиги таъкидланади⁹. Бу таърифдан кўринадикки, инсон ўзининг онгли фаолияти натижасида борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга ўз таъсири билан иккиламчи муҳитни шакллантиради.

Диссертацияда XX асрда Европа маданиятшунослигида Т.Парсонс маданиятни ижтимоий ҳаракатни таҳлил қилиш сифатида, К. Леви-Страусс эса ўз асарларида табиий жараёнларга қарши бўлган ҳодисаларнинг танланган майдони деб қарагани таъкидланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу тушунчага кўплаб рус файласуфлари, жумладан, Н.Бердяев, В. Иванов, Л. Шестов, В. Розановлар юқори маданиятни англаш соҳасидаги ўзларининг қимматли ғоялар ва асарларини яратди.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, маънавий маданият жамиятда ўзгариб ва янгиланиб борадиган маънавий жараёнларнинг маҳсули сифатида ажодлар томонидан авлодларга мерос вазифасини бажаради. Маънавий жараёнларда гўзаллик ва хунуклик ўртасидаги муносабатлар кўпроқ акс этиб, севги-муҳаббатнинг нафратдан, гўзалликнинг хунукликдан, яхшилиқнинг ёмонликдан ва ҳақиқатнинг ёлғондан устунлиги кўринишида ифодаланади. Маънавий маданият ҳар бир халқнинг асрлар давомида ажодлардан авлодларга мерос сифатида қолиб, замон билан ҳамнафас янгиланиб борадиган мафкуравий жараёнларни ўзида акс эттиради. Бу борада ўзбек халқининг ҳам ўзига хос тараққиёт йўли мавжуд.

Ҳар бир даврда файласуфлар ёшларга оид тадқиқот объектларини мукамал ўзлаштиришлари ва воқелиқдаги жараёнларни билиш натижасида маънавий маданиятнинг янги қирралари ҳақида тушунча ва тасаввурларини бойитиб борадилар. Шу боисдан улардаги келажакка қаратилган маънавий маданият масалаларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилди. Биринчидан, ёшларнинг янгиликка интилишлари маънавий маданият негизида ривожланиб боради. Иккинчидан, ёшлар маънавий маданиятининг шаклланишида миллий ва умуминсоний маънавий маданият дурдоналаридан озиқланиш ва баҳраманд бўлиш асносида ўз-ўзини англаш, ўзини ислоҳ қилиш, унинг қалбида эзгулик, одамийлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллий маънавий меросимизни қадрлаш ҳамда шахс бўлиб шаклланиш жараёнида истеъдоди ва қобилиятини намоён қилиши. Шундагина ёшлар жамиятда шахс сифатида шаклланиб, онгли ва фаол турмуш тарзига эга бўладилар. Учинчидан, маънавий маданиятининг ижтимоий-фалсафий аспектларини ўрганиш, тадқиқ қилиш асосида ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг илмий - назарий асосларини ишлаб чиқиш муҳимдир

Диссертант мулоҳазаларига кўра, маънавий маданиятини барқарор ривожлантиришнинг замонвий концепциясини яратиш лозим. Концепциянинг яратилиши ёшлар маънавий маданиятини ҳақиқатан ҳам мазмунан бойитиш мумкин бўлган кўп ўлчовли компонентларни ўзида ифодалайди ва мавжуд имкониятларни янада кенгайтиради. Булар ёшлар маънавий маданиятининг тузилишини кўрсатиб беради. Биринчидан, ёшлар

⁹ Эркаев А. Маънавиятшунослик. -Тошкент: "Ma'naviyat", 2018. –Б. 84.

маънавий маданиятидаги ушбу таркибий қисмлар алоҳида ижтимоий аҳамият касб этади: 1) когнитив маданият (лотинча “cognize”- билмоқ, англамоқ, тушунмоқ) - бу маданиятнинг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни инсонлар томонидан ўзлаштирилиши орқали воқеликдаги маданий босқичларни англаб етиш ва тушуниш ҳисобланади; 2) сиёсий маданият – бу фуқароларнинг сиёсий онги ва сиёсий муносабатларини тартибга солиб турадиган, ташқи ва ички сиёсатни мувофиқлаштириб турадиган жараёнларнинг ифодасидир; 3) ахлоқий маданият - бу жамиятдаги одамларнинг урф-одатлари, қарашларини ўзида ифодалайдиган юриш-туриш, хулқ-автор, фазилатлар, яхшилик ва ёмонликни ажратиб турадиган фалсафий тушунчадир; 4) ҳуқуқий маданият – бу одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳақ-ҳуқуқларини англаш орқали давлат ва жамиятнинг қонунларига итоат этиш, уларнинг сўзсиз бажарилишини амалга ошириш тизими саналади; 5) эстетик маданият – бу жамиятдаги эстетик муносабатларни қадриятлар асосида янгилаб бориш, инсонга завқли кайфият бахш этадиган гўзаллик қонунларининг амал қилиш механизmidир. Бу хусусиятларнинг барчаси бевосита ёшларнинг жамият билан алоқаларини мустаҳкамлашга, ўзларининг фаол фуқаролик позицияларини шакллантиришга олиб келади. Иккинчидан эса, маънавий жамият жамиятда қанчалик кўп тараққий этса, уни ўзлаштириш, ён-атрофдагиларга тарқатиш, реализация масаласи ўзининг кўзланган мақсадига етади. Одамларнинг онгу-тафаккурида маънавиятга нисбатан дахлдорлик ҳисси кучайиб боради. Аниқ мақсадларни белгилаш асосида тараққиётга интилиш, виждонлилик, поклик, адолат ғояларига садоқат туйғуларини қарор топтиради. Ёшларда моддий дунёнинг ўткинчилиги, маънавий маданиятнинг асрлар давомида эъзозланиши борасида тушунчаларни шакллантиради. Учинчидан, ёшларнинг моддий маданиятни ўзлаштириши натижасида бевосита маънавий ишлаб чиқариш жараёни ўзининг хилма-хил кўринишлари ва қиёфаларини ҳам намоён этиб боради. Унда ёшлар ўзининг иқтидори, интилиши ва ташаббуслари билан маънавий жараёнларни ҳаракатга келтириб боради. Натижада ёшларнинг интеллектуал салоҳияти доирасида маънавий муносабатлар бетакрор лойиҳалар билан бойиб боради.

Маънавий онг ва маънавий фаолият билан боғлиқ ижтимоий жараёнлар қонуний тарзда мавжуд жамиятда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишига хизмат қилади. Ёшлар маънавий маданияти деярли жамиятнинг идеалларини қамраб оладиган маънавий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ўзида ифодалайди.

Диссертант фикрича, жамиятда ёшлар маънавий маданиятининг энг умумий концепциясини аниқлашда турли хил ўзига хос кўринишлар, шаклларни тушуниш ва тушунтиришда муҳим калит вазифасини маънавий идеал эгаллайди. Ёшлар мана шу жараёнда жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фалсафий ғояларнинг ривожига ўз таъсирини ўтказиб боради.

Диссертант ёшларнинг янги ғоялар асосида маънавий маданиятни ривожлантиришга фалсафий ва инновацион тафаккур бирлиги негизида ёндашувини кучайтириш борасида давлатимиз томонидан кенг имкониятлар

яратаиб берилганини тадқиқот ишида кўрсатиб берган. Бу эса, ҳар бир ёш авлоднинг эркин ва мустақил маданий жараёнларга эстетик муносабатини кучайтириб, миллий давлатчилик негизларини аждодлар мероси билан уйғун ҳолда ривожланишига хизмат қилади, деб хулосалайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ёшлар маънавий маданиятини тадқиқ этишнинг синкретик ва фалсафий омиллари**” деб номланган, унда ёшлар учун муҳим ижтимоий аҳамиятга молик диний, ахлоқий, бадий ва эстетик онгининг жамиятда инновацион ривожланиш жараёнларига ижтимоий, ахлоқий, фалсафий тарзда илмий ёндашув асосий восита сифатида ўртага ташланган.

Жамиятда ёшлар маънавий маданияти шаклланишига синкретик ёндашувда диний-ахлоқий жиҳатдан қаралса, ўз-ўзидан савол туғилади: ёшлар онгига диний тушунчаларни ёшлигидан оилада тушунтириш, ўргатиш керакми ёки таълим масканларида тарбия негизида сингдириш самарали бўладими?

Диссертант фикрича, табиатан олиб қаралганда дин худони англашга, уни танишга татбиқ этилган ахлоқдир. Дин ахлоқ билан узвий боғланмас экан, у марҳамат ва мурувватни шунчаки зўр бериб талаб қилиш бўлиб қолаверади. Демак дин ахлоқан ҳалоллик, виждонлилик, инсоф, мурувватга, келиб қўшилмас экан, унинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, ёшлар маънавий маданиятининг ижтимоий функцияларини самарали амалга ошириш маънавий эҳтиёжларга мос келадиган ахлоқий маданият билан узвий боғланган. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги муҳим босқичидаги асосий вазифалардан бири мамлакатдаги ёшларнинг замонавий шароитда ахлоқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган юраги тўғри, ҳақ йўлдан юрадиган кўнгли равшан қилиб тарбиялаш долзарб ижтимоий муаммолар сирасига киради. Маҳмуд Замахшарий айтганидек, “ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”¹⁰. Ёшлар орасида умуман жамиятда аҳолининг турмуш тарзида ушбу ҳислат ва фазилатларни шакллантириш, маънавий маданиятимизни муҳим вазифаси бўлмоғи зарур.

Тадқиқотда ёшлар диний-ахлоқий маданиятининг шаклланиш жараёни мураккаб эканлиги, жамиятдаги маданий ўзгаришлар, тарихий-ижтимоий шароитлар билан бир қатор ахлоқий анъаналардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Оилавий муносабатлар билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар, ота-боболарнинг энг яхши ўғит ва васиятларини авлодларга етказишда ахлоқий маданиятни ривожлантириш, ёшлар томонидан олиб бориладиган фаолиятнинг барча турларига трансформацион йўналишини йўлга қўйиш жамият талабидир. Ахлоқий маданиятни шакллантириш жараёнининг таркиби ахлоқий кадриятларни тушуниш ва ўзлаштириш, турли диний-ахлоқий стереотипларни дунёвий ривожлантиришда намоён бўлади.

¹⁰ Замахшарий Маҳмуд. Нозик иборалар. –Тошкент: Камалак, 1992. –Б. 52.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, ёшларнинг замонавий бадий-эстетик маданиятини шакллантиришда эстетик билим, ғоя ва фикрларга эга бўлиш лозим. Айниқса, назарий-эстетик билим, умумий фалсафий дунёқараш, воқеликка таъсир қилиш, шахсий ва фуқаролик манфаати, ғоя, ҳиссиёт, қадриятларни эъозлаш кабилар ёшлар эстетик онги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Ёшларнинг эстетик маданиятини ривожлантиришга тадбиқ этилган тарихий ва фалсафий билимлар маънавий шаклланиш ва ривожланиш билан бевосита боғлиқ ҳолда инсон ҳаётининг маъносини, гўзаллик ва уйғунликка муносабатини очиб беради.

Диссертацияда бугунги кунда инсоннинг асосий фалсафий жиҳатларни таҳлил қилиш ва ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш муаммосини ўрганиш маънавий-мафкуравий жараёнларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Ушбу муаммонинг ечимини синкретик йўл билан ҳал қилиш фалсафанинг асосий масаласи саналади. Назарий-фалсафий билимларни умумлаштириш натижасида таҳлил қилинган муаммолар ва тадқиқот йўналишларини аниқлаш орқали маънавий маданиятни ривожлантириш механизмлари ҳақидаги асосий ғояларни илмий амалиётга тадбиқ этиш истиқболлари борасида фикр юритиш мумкин.

Диссертант фикрича, ёшлар маънавий маданиятининг концептуал моделини маънавий тажриба негизида ривожлантириш муҳим фалсафий жараён бўлиб, бунда маънавиятнинг ҳар бир инсон тафаккури маҳсули эканлигини инобатга олиш жоиздир. Бу маънавиятнинг таркибий қисмлари ва функцияларини қамраб оладиган бирликда намоён бўлади. Ёшларнинг маънавий ривожланишида маънавий маданиятни шакллантириш кўп қиррали вазибаларни бажаради. Ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришни тадқиқотларда фиксация қилишнинг концептуал ва услубий воситаларини ишлаб чиқиш, тавсифлаш асосий жараёнда бўлади. Бу маънавий маданиятнинг процессуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш жараёни билан боғлиқ амалга ошади.

Диссертацияда ёшларда маънавий тажриба маърифатлилиқнинг ўзаро муносабати ва нисбати билан уйғунлашиб, маънавий баркамол, ўзини-ўзи англаган комил инсонларни тарбиялашда, жамият маънавий-маърифий тараққиётида муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланади. Маънавий маданиятда жамиятнинг ўзига хос маънавий эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, улар орасида билимга бўлган эҳтиёж етакчи ўринни эгаллайди. Чунки жисмоний ва маънавий соғлом одам тинмай билим олишга интилади. Бу диний ва дунёвий илмларни эгаллашда фалсафий тафаккур тарзи билан параллел вужудга келади.

Диссертантнинг фикрича, маънавий маданиятнинг жамиятда мавжуд бўлиши, ўзини намоён қилиши маданий қадриятларни яратишда инсоннинг биологик тур сифатида ўзига хос жиҳатларини ажратиб туради. Инсондаги биологикликдан ташқари ижтимоийлик билан уйғун тарбия жараёнини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ёшлар маънавий маданиятнинг моҳияти инсоният тарихий ривожланиши жараёнида ижтимоий онг шаклларида намоён бўлиб келган. Тарихий ривожланишда инсоният тараққиёти турли

қарама-қарши иккита тенденция асосида намоён бўлган. Бир томондан, инсон борлигининг индивидуаллиги ва бошқа томондан, жамиятдаги интеграцион жараёнларнинг кучайиши, шаклланиши одамларнинг трансмиллий жамоаларда уюшишидир. Шунинг учун жамият ва шахс диалектик ўзаро боғлиқ ва бир-бирига алоқадор жараёнларни ифодалайди.

Диссертант фикрича, ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришда кадриятлар билан уйғунлашган қуйидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга. Булар: консерватив, гуманистик, технократик мантиқий ёндашув. Мазкур умумий тамойилларга асосланган йўналишларнинг ҳар бири инсон, табиат ва жамиятга нисбатан фалсафий дунёқарашни шакллантириш, муайян хусусиятларга эътиборни қаратиш сингари ўзига хос тарбия моделини яратади. Бугунги Ўзбекистон ёшларида маънавий маданиятнинг шаклланишидаги асосий омил бу эркин шахснинг камол топиши учун хизмат қиладиган муҳим йўналиш инсонпарварлик кадриятларидир. Ёшлар ижтимоий онгида таълимни инсонпарварлаштириш жараён билан боғлиқ бир қатор тамойиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- янги ижтимоий ва табиий муҳитдаги авлодлар томонидан ёшларга ҳурмат руҳидаги муносабатнинг тан олинishiга хизмат қиладиган ижтимоий ҳимоя, кадр-қиммат ва ҳуқуқларнинг жамиятда эъзозланиши;

- ёшларнинг янги авлод субъектлари сифатида жамият томонидан яратилган шарт-шароитларга ёндашувига қаратилган ўзини ўзи белгилаш, ўзини англаш ҳаётини яратишга мойил қобилиятларни ривожлантириш;

-таълим тизимида шахслараро муносабатларни инсонпарварлаштиришда ўқувчилар, ота-оналар ва болалар, ўқитувчилар ва талабалар тамойиллари асосида ҳурмат, раҳм-шафқат, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари инсоний туйғуларни кучайтириш.

Таълим жараёнидаги инсонпарварлик ёшлар онгининг ўзгаришига имкон беради. Бунда таълим буғинларидаги ёшларнинг қизиқишлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг турли қатламлари ижтимоий муҳитини ўрганиш, миллий ғояга асосланган фалсафий тафаккурни ривожлантириш муҳим фуқаролик позицияси ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Глобаллашув даврида маънавий маданиятнинг намоён бўлиши ва такомиллаштириш муаммолари”** деб номланган учинчи бобида глобаллашув даврида маънавий маданиятнинг жамият ривожидида янгиланиб бориши жараёнида инсон, миллат, халқнинг ижтимоий онги ва тафаккурида ўзига хос миллий кадриятларга асосланиши акс этган. Унда жаҳон ёшлари маънавий оламида намоён бўлаётган ўзгаришларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш, бу борадаги ислохотларни Янги Ўзбекистон шароитида такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Диссертацияда бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ёшларнинг миллий менталитетига мос ижтимоий-маданий муҳитни яратишга қаратилган жараён бошлангани таъкидланади. Уларнинг маънавий маданиятини юқори даражада замонга мослаштириш, инновацияларга асосланган шароитлар яратиш борасида кенг кўламли изчил

ишлар давом этмоқда. Таълимни сифат жиҳатдан яхшилаш, мазмунан дунё тажрибаси билан уйғунлаштириш, ундаги мавжуд ғоялар, эҳтиёжлар, идеалларни миллий менталитетга хос тарзда амалга ошириш йўлга қўйилди. Жамиятда ёшлар учун маънавий маданиятга мос ижтимоий-маданий макон яратиш, таълимнинг барча буғинларида ёшлар тарбиясини ўзида мужассам этган ривожланиш даражаси, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қоплаш тизими шаклланди.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, инсоният маънавий маданиятнинг эртасини трансляция қилишдан қочиши, юксак даражада ривожланган роботлар жамиятини яратиши керак эмас. Балки барча нарсадан устунликка эга, воқеликни ҳиссиёт ва мустақил фикрлаш орқали таҳлил этадиган фозил одамлар жамиятини афзал кўриши лозим. Одамлар келажакка интилиши керак, лекин орқага қараб, ўзининг теран илдизлардан ажралмасдан, улар билан бирга ривожланиши даркор.

